БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 13 (1533)
19 ЯНВАРЬ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СССР Олий Совети жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг парламентларини ва ҳукуматларини Совет Иттифоқининг тинчликни таъминлашга қаратилган янги ташаббусидан ибрат олишга, мавжуд қуролли кучларни қисқартириш, ўз мамлакатларининг халқларини қуролланиш юкидан халос қилиш, инсониятни уруш даҳшатларидан қутқариш ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлида амалий чоралар кўришга чақиради.

(СССР Олий Советининг жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига Мурожаатидан).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТИНЧЛИКСЕВАР СИЁСАТИНИНГ ЯНГИ ЁРҚИН ДАЛИЛИ

Буюк тарихий ҳужжатлар

Тинчлик, тотувлик, осойишталик, гўзал ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳар бир меҳнаткашнинг мақсади, эзгу орзу-умидидир. Тинч меҳнат макони Улуғ Советлар Ватанимизнинг ҳар бир оддий кишининг кундалик камтарин ва ҳалол меҳнатида тинчликка бўлган буюк интилиш, келажакка, истиқболга бўлган зўр ишонч ўз ифодасини топгандир. Шунинг учун ҳам тинчлик иши ҳар бир ишчи учун, колхозчи деҳқон учун, зиёли учун азиз ва қимматлидир.

Халқимизнинг тинчликка бўлган қудратли иродаси, эзгу истаги ва орзуси улуғ партиямиз ва жонажон ҳукуматимиз сиёсатида ўз ифодасини топмоқда. Чунки Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг сиёсати меҳнаткаш халқ оммасининг ҳаётий мақсадини, орзусини ўзида мужассамлантирган.

СССР Олий Советининг яқиндагина ўз ишини тамомлаган тарихий тўртинчи сессияси халқимиз ҳаётида, мамлакатимиз ҳаётида яна бир ажойиб ёрқин саҳифа очди. Мамлакатимиз энг олий органи минбаридан бутун жаҳонга зўр куч ва қудрат билан жаранглаган, тинчликсевар халқларга зўр умид, ишонч бахш этган, уруш оловини ёқувчиларга дахшат солган Совет ҳукумати раҳбари Н. С. Хрушчевнинг «Қуролсизланиш—тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўлидир» деган масала юзасидан қилган доклади ленинча тинч-тотув яшаш сиёсатининг ажойиб намунаси бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессиядаги қилган докладида ҳамда СССР Олий Совети қабул қилган буюк тарихий ҳужжатлар—«СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонун», жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига Мурожаатда ленинча тинчлик, тинч-тотув бўлиб яшаш идеялари моҳирлик билан оқилона баён этилган, ҳозирги халқаро ҳаётда вужудга келган аҳволга марксча-ленинча анализ берилган.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишида қўлга киритилган ажойиб, оламшумул-тарихий ғалабалар Ватанимиз куч-қудратини мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнашини, мустаҳкамланишини таъминэтди. Халқаро вазиятда тубли ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Эльба ва Адриатикадан Жанубий Хитой денгизигача чўзилган қудрати социализм лагери зўр куч бўлиб, халқаро аҳволга тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Совет Иттифоқи ва социализм лагери мамлакатлари ўтказаётган, жаҳондаги тинчликсевар кучлар томонидан қўллаб-қувватланаётган тинчликсевар ташқи сиёсат халқаро вазиятни маълум даражада яхшиланишини таъминлади. Турли ижтимоий системаларда бўлган давлатлар ўртасидаги кескинлик кейинги йилларда анча заифланди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг АҚШга қилган тарихий сафари «совуқ уруш» музларини эритишда, халқаро кескинликни юмшатишда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати унинг заифлиги аломати эмас. Биз қўрқанимиздан тинчлик ишини ҳимоя қилаётганимиз йўқ. Бу давлатимизнинг буюк куч-қудратининг далилидир. Ҳозир Совет Армиясининг қўлида илгари ҳеч бир армия эга бўлмаган жанг воситалари ва зарб қуввати бор. Агар ақлдан озган бирор киши бизнинг давлатимизга ёки бошқа социалистик давлатларга ҳужум қиладиган бўлса, бизга ҳужум қилган мамлакатни ёки мамлакатларни ер юзидан йўқ қилиб юбора оламиз.

Совет Иттифоқи ленинча тинч-тотув яшаш сиёсатининг буюк идеяларига ҳамиша содиқ бўлиб, урушнинг олдини олиш, узоқ ва барқарор тинчликни таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар кўриб келди ва кўриб келмоқда. Совет ҳукумати тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига киритди ва бу соҳада изчиллик билан кураш олиб борди. Совет давлати тинчликсеварлик ғояларига ҳамиша содиқ бўлиб, тинчлик йўлида бир қанча амалий тадбирлар кўрди. Бошқа давлатлар территориясидаги ҳарбий базаларни тугатди, қуролли кучлар сонини ва ҳарбий харажатларни қисқартирди, термоядро қуроллари синовларини яна тўхтатиб қўйди.

СССР Олий Советининг тарихий тўртинчи сессияси тинчликни таъминлаш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битимга келмоқ учун энг қулай шароит вужудга келтириш ишига янги ҳисса қўшишни истаб, СССР Қуролли Кучларини яна кўп миқдорда, яъни 1.200.000 киши миқдорида қисқартириш ҳақида Қонун қабул қилди. Совет Иттифоқининг бу олижаноб тадбири унинг тинчликнинг улуғ идеалларига содиқлигини яна бир бор намойиш қилиб кўрсатди.

СССР Олий Совети жаҳондаги барча давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига Мурожаат қилиб, Совет Иттифоқининг тинчликни таъминлашга қаратилган янги ташаббусидан ибрат олишга, мавжуд Қуролли Кучларни қисқартириш, ўз мамлакатларининг халқларини қуролланиш юкидан халос қилиш ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлида амалий чоралар кўришга чақиради.

Коммунизм ўзининг ҳаётий кучини, оқибат натижада алгаштатта тантана қилишини ҳозирнинг ўзидаёқ равшан кўрсатмоқда. Коммунистик жамият тўла ҳаққоният, озодлик, тинчлик ва инсонга чинакам ҳурмат негизларига асосланган жамиятдир.

«Ўз умрини яшаб бўлган капиталистик жамият ўрнига, — дейди Н. С. Хрушчев СССР Олий Совети сессиясида қилган докладида, — **ҳар бир меҳнаткаш кишига тенг шароит таъминлайдиган, ҳамма ноз-неъматларни берадиган янги, адолатли жамият келмоқда. Бу янги жамият йўли озодлик, тенглик, мўл-кўлчилик ва тинчликнинг ажойиб гулларидан иборат, бинобарин, унинг ғолибона қадамини тўхтатиб бўлмайди. Тарихий тараққиётнинг қонуни шу».**

СССР Олий Советининг сессиясида сўзга чиққан барча депутатлар Н. С. Хрушчев докладини, Олий Совет қабул қилган тарихий ҳужжатларни тўла-тўкис, бир оғиздан маъқулладилар. Брест қалъаси ҳимоячиларидан бири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони депутат П. М. Гаврилов уруш халқларга қанчалик офатлар келтиришини гапириб, «Планетамиз устида тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликнинг порлоқ қуёши нур сочиб турсин», Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг президенти депутат К. И. Сатпаев «Уфқни урушнинг қора булутларидан халос қилиш керак» дедилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз нутқида шуни алоҳида таъкидлаб ўтдики, Совет ҳукумати ва Н. С. Хрушчевнинг ёрқин докладида баён қилиб берилган ленинча доно, революцион дадил тадбирлар инсониятнинг тинчлик ва тараққиёт учун кураши тарихида ҳақиқатан янги давр очиб беради. Совет халқларининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган социалистик миллатлар тинчлик ва тараққиётнинг юксак идеалларини рўёбга чиқариш учун яшамоқда, меҳнат қилмоқда, урушга қарши қатъий курашмоқда. Қадимий Хоразм халқ қўшиқларида куйланган тубандаги сатрлар халқларнинг урушга қарши нафрати нақадар кучли эканлигини ифодалайди.

Э ёронлар, урушни керакмас денглар,
Кўз ёши ва қиришни керакмас денглар.
Зурриёт кўраймоқда, туғилмоқ керак,
Ўлишни, ўлдиришни керакмас денглар.

Бутун совет халқи билан биргаликда республикамиз, областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сессияси қабул қилган тарихий ҳужжатларни, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессияда қилган ёрқин докладини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар. Чунки бу ҳужжатларда ижодкор халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, порлоқ истиқболи, орзу ва истаклари ўз ифодасини топгандир. Саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларимиз далаларида, фидокорона тинч ижодий меҳнат қилаётган халқимиз бутун дунёда тинчлик ишининг, коммунизм улуғ ишининг тантанаси йўлида зўр садоқат ва жонбозлик кўрсатиб ишламоқда.

Тинчлик иши тангана қилади. Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки тинчлик иши—халқлар иши, халқлар талаби, замонамиз талабидир.

Бутун совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари ҳам ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Суратда: Тошкентдаги электромеханика заводининг энг кекса ишчиси ўртоқ Е. Шенкеренко ўз касбдошларига Н. С. Хрушчев докладини ўқиб бермоқда.

В. Салов фотоси.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида «Қуролсизланиш — тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги дўстликни таъминлаш йўлидир» деган муҳим масала юзасидан қилган докладини барча совет кишилари қатори ҳурматли кексаларимиз ҳам мамнуният ва зўр қувонч билан маъқулламоқдалар.

Қарияларнинг фикри ва туйғуларини ифодалаб кекса большевик, пенсионер Султонхўжа Қосимхўжаев бундай деди:

Қарияларимиз қувончи

— Қуролсизланиш, тинчлик — миллион-миллион кишилар, ота-оналар, шунингдек биз мўйсафидларнинг ҳам энг буюк орзумиздир. Мен икки жаҳон урушининг даҳшатларини бошимдан кечирдим. Бу қонли урушлар қанчалаб бегуноҳ қонларнинг тўкилишига, яшнаб турган шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига сабаб бўлди. Партия ва ҳукуматимизнинг шундай қирғинларни тамомила тугатиш учун кўраётган тадбирлари тинч ҳаёт гаштини сураётган барча қарияларни ҳам ҳаддан зиёд қувонтирди. Айниқса, ҳарбий ишларга сарфланадиган маблағларнинг қисқартирилиши ва уларнинг ишлаб чиқаришимизни кенгайтиришга, шу асосда халқимиз фаровонлигини оширишга, шунингдек дўст давлатлар учун ёрдам беришга сарфланиши бизни беҳад хурсанд қилади. Чунки келажакда авлодларимизнинг эркин, тинч ва осойишта яшашини ҳар бир инсон орзу қилади.

Ш. ЮСУПОВА.

Ҳаётимиз яна фаровон бўлади

СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ IV сессияси кун тартибига ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Қуролсизланиш — тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўлидир» деган докладининг киритилиши бечиз эмас. Чунки тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш ҳозирги кунда жаҳон меҳнаткашларининг диққат марказида турибди.

Тинчлик — фаровонлик демакдир. Турмушимиз қанча фаровон бўлса, тасвирий санъатимиз тематикаси ҳам шунчалик ранг-баранг, мазмунан бой бўлади. Республикамиз рассомлари халқимизнинг меҳнатдаги ажойиб ютуқлари, маънавий бой ҳаётини бадиий акс этдирувчи асарлар яратмоқдалар. Жумладан, мен ҳам «Оналик» деб аталувчи полотномни колхозчиларимиз оилалари фаровон ҳаётига бағишламоқдаман. Полотнонинг олдинги планида очиқ чеҳрали меҳрибон онанинг ўз болалари билан шодхуррам тургани тасвирланган. Бу эса асарда илгари сурилган «Тинчлик — оналар қувончи, болалар бахти» деган ғояни бўрттириб кўрсатиш имконини беради. Шунингдек, полотнода ойдин кеча тасвирини беришга ҳаракат қилинган. Бу ҳам асар темасини очиб берувчи муҳим деталдир.

Пахтазор қаҳрамонларининг меҳнат зафарларига бағишлаб ишлаётган асарларимда ҳам дўстлик, фаровонлик темасига мурожаат қиламан.

Р. АҲМЕДОВ,
рассом.

Ажойиб замонда яшамоқдамиз

Биз асрлар мобайнида бутун прогрессив инсоният орзу қилиб келган ажойиб замонда яшамоқдамиз. Инсоният нечанеча асрлар мобайнида кишилар бошига битмас-туганмас азоб-уқубатлар ва қулфатлар келтирадиган урушни йўқотишни орзу қилиб келди. Туб моҳияти билан чинакам халқ ҳокимияти бўлган Совет ҳукумати ана шу эзгу орзуни амалга ошириш учун изчиллик билан курашиб келмоқда. СССР Олий Совети сессиясида кўрилган масала бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Совет ҳукуматининг мамлакатимиз Қуролли Кучларини яна 1 миллион 200 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисидаги, шунингдек ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифи фақат совет кишилари томонидангина эмас, балки бутун жаҳондаги меҳнаткашлар томонидан ҳам зўр хурсандчилик билан қутиб олинди. Социалистик экономикамиз тараққий этганлиги, фан ва техника соҳасида ғоят катта муваффақиятларни қўлга киритганлигимиз ҳамда тинчликнинг мустаҳкам қалъаси бўлган қудратли социалистик лагерь мустаҳкамланганлиги ва ўсганлиги туфайли эндиликда биз ана шундай таклиф билан чиқмоқдамиз.

Фабрикамиз ишчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Унда айтилган гаплар ҳар биримизнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда. Қувончларимизнинг чеки йўқ. Қуролли Кучлар сонини камайтириш ҳарбий мақсадлар учун қилинаётган харажатларни камайтириш демакдир. Ана шу маблағларга янги-янги завод ва фабрикалар, мактаб ва маданий-маиший муассасалар қурилади, етти йилликнинг улуғвор режаларини шараф билан амалга ошириш учун ғоят катта қўшимча имкониятларни вужудга келтиради. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада оширишга ёрдам беради.

Р. НАЗИРБЕКОВ,
Тошкентдаги 2- мебель фабрикасининг мастери.

Тинчлик барқарор бўлади

— Колхозимиз қишлоғига бир назар ташланг-а, — дейди раис. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Абдулла Ортиқов, — шаҳарчадан қаери кам. Колхозчиларимизнинг фаровонлиги йилдан-йилга ошмоқда. Улар озода, кенг, ёруғ уйларда тўқ ва бадавлат турмуш кечирмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси тинчлик туфайли, партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайлидир. Шунинг учун ҳам биз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида «Қуролсизланиш — тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўлидир» деган докладини ғоят баланд руҳ билан қутиб олдик.

Раис кўпчиликнинг фикрини ифода этди. Бу гигант коллектив хўжаликнинг ҳарбир аъзоси Совет ҳукуматининг тинчликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги тадбири тўғрисида қувониб сўзламоқда.

— Совет қуролли кучлари яна бир миллион 200 минг кишига камайтирилади, — дейди донгдор бригада бошлиғи механизатор ўртоқ Мираҳмад Хожибоев, — тасаввур қилиб кўринг, агар ана шу совет кишилари тинчлик йўлида, Ватанимизнинг фаровонлиги йўлида ижодий меҳнат билан шуғулланса лар қанчадан-қанча ишлар битади!

А. САЙФУТДИНОВ,
Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз.

Бизнинг жавобимиз

Фабрикамиз коллективи ҳам барча совет халқлари, шунингдек жаҳондаги бутун эрксевар кишилар каби ҳукуматимиз бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган докладида баён қилинган олижаноб фикрларни чин юракдан маъқулламоқда.

Меҳнатсевар ишчиларимиз ва инженер-техник ходимларимиз партия ва ҳукуматимизнинг бутун дунё халқлари манфаатини кўзлаб, совет Қуролли Кучларини яна қисқартиш тўғрисидаги янги таклифини халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим тадбир деб қарамоқдалар.

Қуролли Кучларимизнинг қисқартирилиши қанчадан-қанча маблағни бўшатиб олиб, уни совет халқлари турмуш даражасини янада яхшилаш, янги-янги завод ва фабрикалар барпо қилиш учун сарфлаш демакдир. Шунинг учун ҳам фабрикамиз коллективи ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини қизиқиб ўрганар экан, янада баракали меҳнат қилиш, аҳолига чидамли, арзон пойафзал етказиб бериш учун бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлашга аҳд қилди.

Ш. ШОМУҲИТДИНОВ,
Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг директори.

Л. ЧИКОВА,
коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

А. МАКАРОВА
ишчи.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига қўшилган буюк ҳисса

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг баёноти

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган тинчликсевар ишни — Совет Қуролли Кучларини яна кўп миқдорда қисқартириш тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг таклифига биноан, СССР Олий Советининг IV сессияси қабул қилган қарорни тинчлик тарафдорлари бўлган миллион-миллион совет кишилари номидан қизғин табриклайди.

Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун қизғин курашаётган совет кишилари ўз давлатининг қуролсизланиш тўғрисидаги ҳаётий муҳим масалада тинчлик ва барча халқлар ҳавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, яна олижаноб ташаббус кўрсатганлиги билан фахрланадилар. Ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг кенг программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритган Совет Иттифоқи ўз тинчликсеварлигининг самимийлигини, зўр бериб қуролланиш юкидан инсониятни халос қилишга эришишга ўзининг тайёрлигини дадил ва кескин конкрет ишлар билан исбот қилмоқда. Совет давлатининг олий ҳокимият органи ақл-идрок позициясида туриб ҳаракат қилиб ва янги уруш хавфининг олдини олиш тўғрисида чинакам гамхўрлик қилиб, Совет Қуролли Кучларини бир ўзи 1 миллион 200 минг киши миқдорида қисқартиришга қарор қилди. Совет Иттифоқи фақат ўз территориясини мудофаа қилиш учун зарур бўлган қуролли кучларни сақлаб қолиш билан чекланади.

Совет кишилари шу нарсага аминдирларки, СССР Қуролли Кучларининг янада анча қисқартирилишини барча мамлакатлардаги тинчлик дўстлари чуқур мамнуният билан кутиб оладилар. Бу қисқартиш ёппасига қуролсизланишга эришмоқ учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради ҳамда зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва халқаро ҳамкорлик учун курашаётган яхши ниятли барча кишиларга янги куч ва ишонч бағишлайди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети барча тинчлик дўстларига, барча жамоатчилик кучларига мурожаат қилиб, уларни ёппасига ва батамом қуролсизланиш улуғ программасини амалга оширмоқ учун куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақиради.

Тошкент шаҳар партия конференциясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети маълум қиладики, шу йил 21 январь эрталаб соат 10 да А. Навоий номли театр биносида XIV Тошкент шаҳар партия конференцияси очилади.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ.

Озарбайжон адабиёти ва санъати арбоблари Тошкентга келди

Кеча Тошкентга Озарбайжон адабиёти ва санъат арбобларининг бир группаси келди. Улар республикамизда ўтказиладиган Озарбайжон адабиёти ҳафталигида қатнашадилар.

Меҳмонлар орасида Озарбайжон Ёзувчилар союзи раиси Меҳти Ҳусайн (делегация раҳбари), Озарбайжоннинг кўзга кўринган ёзувчиларидан Сулаймон Рустам, Мамед Роҳим, Алиоға Валиев, Ўсмон Сарволли, Қобил Имомвердиев, атоқли санъат арбобларидан Амина Дилбози, Тирангиз Аҳмедова, Фотма Меҳралиева, Абул Фаталиев, Зивар Алиева, Ҳожи Мамедов, Нептон Григорьян, Юрий Давидов, Чингиз Меҳтиев, Лутфиёр Имонов, Раҳила Ҳасановалар бор.

Меҳмонларни аэродромда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, республика Маданият министри С. М. Муҳаммедов, ёзувчилардан Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Ҳамид Ғулом, С. Бородин, М. Шевердин, А. Удалов, В. Зоҳидов, М. Шайхзода, Туроб Тўла, Собир Абдулла, Миртемир, Н. Сафаров, Ҳаким Назир, Ғайратий, Мирмуҳсин, А. Иванов ва бошқалар кутиб олдилар.

Меҳмонлар республикамизнинг олий ўқув юртлари ва саноат корхоналарида, Самарқанд, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги бир қатор колхоз ва совхозларда бўладилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг донгдор бригадири ўртоқ В. А. ТЮПКО бригадаси аъзоларини А. А. ТОЛОЧКО, А. УСМОНОВ, А. ЕҚУБОВ ва А. ЕҚУБОВ ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

Пахтачиликда комплекс механизацияни жорий қилиш соҳасидаги хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

1. Афанасий Арсентьевич **Толочко** — механик ҳайдовчи
2. Ахрон **Усмонов** — тракторчи
3. Айдар **Еқубов** — тракторчи
4. Амет **Еқубов** — тракторчи

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
И. БАБКОВ.

Тошкент шаҳри
1960 йил, 18 январь.

ПРОПАГАНДА ҲАЁТЧАН, ЖОНЛИ, ОБРАЗЛИ, ОММАБОП БЎЛСИН



«Узбекхиммаш» заводида ишлаётган ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмай илм олишлари учун катта қулайликлар яратилган. Ўрта мактабни тугаллаб, бу ерга келган ёшларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларининг сиртқи, кечки бўлимларида ўқимоқдалар. Суратда: Ўрта Осиё Политехника институтининг Чирчиқдаги кечки бўлимининг студенти токарь Б. Шинаров завод кутубхонасидан ўзига керакли адабиётни танлаб олмоқда.

О. Левак фотоси.

Партия пропагандасининг асосий вазифаси шундан иборатки, у марксизм-ленинизм идеяларини чуқур ва атрофлича тушунтириб бериши, мамлакатимизда социализм ва коммунизм ғалабаси учун партия олиб бораётган курашда марксизм-ленинизм идеялари турмушга мувоффақиятли равишда ўтказилаётганлигини кўрсатиб бериш, партия томонидан тўпланган назарий бойликдан амалий фаолиятда фойдаланишни ва бу назарий бойликни ижодий ривожлантиришни ўргатиши, меҳнаткашларни партия сиёсатини турмушга ошириш учун курашга сафарбар қилиши, коммунизм учун актив ва саботли курашчиларни тарбиялаб етиштириши лозим.

(КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қароридан).

ПАРТИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори Октябрь районидаги барча меҳнаткашларда, пропагандистлар ва коммунистларда зўр қизиқиш уйготди. Бу қарорда партия ташкилотларининг идеология соҳасида олиб борадиган ишларининг катта программаси белгилаб берилган.

Районимиз партия ташкилотлари сўнгги вақтда идеология ишлари савиясини бирмунча оширдилар, оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг хилма-хил формаларидан самарали фойдаланмоқдалар.

Ҳозир район партия ташкилотларида 400 га яқин пропагандист бор. Буларнинг кўпчилигини раҳбар ходимлар, район партия комитетининг инструкторлари, корхоналарнинг цех ва бўлим бошлиқлари, мактаб директорлари, молия-иқтисод институтининг ва райондаги техникумларнинг ўқитувчилари ташкил этади.

Ўқув йили бошланиши олдидан КПСС тарихини, конкрет экономикани ва фалсафани ўрганиш тўгаракларининг пропагандистлари учун ўн кунлик курс ташкил этилди. Курс пропагандистларнинг назарий, сиёсий ва методик малакаларини оширишга катта ёрдам берди. Ҳозир эса 6 та доимий семинар ишлаб турибди. Бу семинарларда назарий проблемалар ва пропагандистлар иш тажрибалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек молия-иқтисод институти ҳузурида ташкил этилган сиёсий маориф кабинети ҳам пропагандистларнинг методик ва назарий малакасини оширишда катта ёрдам бермоқда.

Янги ўқув йилида сиёсий маориф шохобчаларига партиясиз активларни, интеллигентларни олдинги йиллардагидан анча кўп жалб этилди. Масалан, бу йил район бўйича 12 минг киши партия маорифи шохобчаларида назарий билимини ошираётган бўлса, буларнинг ярми партиясиз активлардир. Бу ўтган ўқув йилидагидан икки баравар кўпдир. Сиёсий иқтисодни ва конкрет экономикани ўрганувчилар сони ўтган ўқув йилидагига нисбатан 1053 киши кўпайди.

175 тўгарак ва семинарда 4116 киши КПСС тарихини ўрганаётир. Янги дарслик нашр этилиши муносабати билан пропагандистларнинг махсус семинари ўтказилди. Бунда тажрибали ўқитувчилар янги дарсликнинг хусусиятлари тўғрисида гапириб бердилар.

Партия пропагандасини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш юзасидан бирмунча ишлар қилинган бўлса ҳам, ҳали бу соҳада қатор жиддий камчиликларимиз бор.

Айрим партия ташкилотлари ҳозирги шароитда коммунистларнинг ва партиясиз активларнинг сиёсий ўқуви қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳали ҳам тушуниб етмаганлар. Шунинг учун ҳам улар сиёсий ўқишга кўпчиликни жалб этиш, пропаганданинг ғоявий савиясини ошириш, унинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига кам эътибор бермоқдалар. Республика Социал таъминот министрлиги, «Узбекоргэнерго», рентгенология институти, ўқитувчилар малакасини ошириш институти партия ташкилотларини бунга мисол қилиб кўрсатса бўлади. Бу партия ташкилотлари назарияни мустақил ўрганувчилар учун назарий конференция ўтказишдек энг муҳим формадан мутлақо фойдаланмаётирлар.

Кўпчилик мактабларнинг, болалар уйлари ва боқчаларининг ходимлари болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини уюшқоқлик билан ўрганмаётирлар. Райондаги 2700 ўқитувчидан атиги 150 киши бу масалани ўрганишга жалб этилган, холос. Киностудия, телестудия ва бошқа ижодий ташкилотларда марксча-ленинча эстетикани, совет адабиёти ва санъати проблемаларини ўрганишга кам эътибор берилаётир.

Партия маорифини ташкил этиш соҳасидаги жиддий камчиликлардан яна бири райондаги раҳбар ходимларнинг пропаганда ишида фаол қатнашмаётганликларидир. Кўпгина саноат корхоналари ва қурилишларнинг директорлари, бош инженерлари ва бошқа раҳбарлари, министрлик ва бошқармаларнинг ходимлари, партия ташкилотларининг секретарлари меҳнаткашлар ўртасида лекция ва докладлар ўқишни ўзларига эп кўрмайдилар.

Баъзи жойларда экономикани ўрганиш тўгарагига малакали раҳбарлик қилиши мумкин бўлган инженерлар, план бўлимининг ходимлари ва бош инженерлар эмас, назарий билими йўқ мастерлар, ишлаб чиқаришни яхши билмайдиган ўқитувчилар раҳбар қилиб қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг янги қарори муносабати билан биз тўгаракларда машғулотлар савиясини янада ошириш тадбирларини белгиладик. Мустақил ўқувчиларга ҳар томонлама ёрдамни кучайтириш район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари диққат марказидаги масала бўлиб қолди. Бир қанча партия ташкилотлари актуал темаларда назарий конференциялар ўтказишни белгиладилар ва унга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бундан ташқари бу йил район ўқитувчиларининг марксча-ленинча назария ва коммунистик тарбия масалалари юзасидан 3 марта назарий конференцияси ўтказилади.

Район партия ташкилоти партия Марказий Комитетининг янги, жуда муҳим қарорини амалга ошириш учун қурашни ҳамма чоралар билан кучайтиради.

Р. НИШОНОВ,
Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитетининг секретари.

Муҳим тарихий ҳужжат

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг коллективи, ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчилари КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Марказий Комитет қарорида мамлакатимизда коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврида партиямизнинг идеология ишларини янада юқори даражага кўтариш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар ҳар тараф лама чуқур ва равшан ифода қилиб берилган. Ҳақиқатан ҳам коммунизмнинг ўлмас ғояларини ўзлаштириш, марксизм-ленинизм асосларини эгаллаш, партия сиёсатини чуқур тушуниш ҳар бир совет кишиси учун ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда.

Коммунистик пропаганда ишлари савиясини янада юқори кўтариш масаласига партиямиз яна катта эътибор бериб, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатди ҳамда уларни бартараф қилиш йўлларини белгилади. Ижтимоий фанлар соҳасида педагогик илмий иш олиб бораётган кадрлар билан ишлашнинг аҳоятда муҳимлиги яна бир бор уқтириб ўтилди. Қарорда «... ижтимоий фан коммунистик қурилишнинг ва идеология ишининг практикаси билан, партия пропагандасининг энг зарур масалалари билан узвий равишда боғланган тақдирдагина ўз вазифасини бажариши мумкин» дейилган.

Ижтимоий фанлар соҳасида педагогик ва илмий иш олиб бораётган ходимларнинг асосий вазифаси—ўтиладиган лекция ва суҳбатларни, олиб борилаётган тадқиқотларни шу кунларнинг талаблари билан, коммунизм учун кураш жараёни билан қўшиб олиб боришдан, халқимизнинг коммунизм қуриш учун олиб бораётган кураш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришдан, ҳозирги даврнинг туб назарий проблемаларини, социализмнинг ўсиб коммунизмга ўтишидаги асосий қонуниятларни ижодий тарзда чуқур ишлаб чиқишдан, марксизм-ленинизм назариясига оид илмий-оммабоп асарлар ёзиб, кенг тарқатишдан иборатдир.

Университет КПСС тарихи кафедрасининг коллективи партия Марказий Комитетининг кейинги қарорини тўла-тўкис бажариш учун ўз ишини қайта қуриб, ўқув-тарбия ишларини янада яхшилайдилар, илмий-текшириш ишлари савиясини юқори кўтарадилар. Кафедра ўқитувчилари шонли партиямизнинг амалий фаолияти ва марксизм-ленинизмнинг ўлмас ғояларини меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйишдек шарафли ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Й. ИБРОҲИМОВ,
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети, КПСС тарихи кафедерасининг мудири, доцент.

Назарий ва методик ёрдамни кучайтирамиз

Янгийўл район партия ташкилоти бу ўқув йилида коммунистлар ва партиясиз активларнинг сиёсий ўқишини ташкил қилишга эътиборни янада кучайтирди. Ўқув йили бошланиши олдидан район партия комитетининг ёрдамида бошланғич партия ташкилотларида тўгаракларнинг турини танлаш юзасидан катта иш қилинди. Бунда коммунистлар ва партиясиз активлар билан якка тартибда ўтказилган суҳбат натижалари эътиборга олинди.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, муассасалар ҳамда мактаблар ҳузурида ҳаммаси бўлиб 113 тўгарак ташкил этилди. Бу йил айниқса коммунистлар ва партиясиз активлар ўртасида Коммунистик партиянинг шонли тарихи ва назариясини ўрганишга бўлган қизиқиш катта эканлиги яққол сезилди. Жойларда КПСС тарихини ўрганиш юзасидан 62 тўгарак ташкил қилинганлиги бунинг далилидир.

Шунингдек, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва совет савдоси конкрет экономикасини ўрганиш юзасидан 12, сиёсий иқтисодни ўрганиш юзасидан 12, марксизм-ленинизм асосларини ва коммунистик тарбия проблемаларини ўрганиш юзасидан 3 тадан, кундалик сиёсатни ўрганиш юзасидан 12 тўгарак ва 9 сиёсий мактаб ташкил этилди.

Бундан ташқари, район партия комитети ҳузурида КПСС тарихини ўрганиш юзасидан назарий семинар ташкил этилган. 131 коммунист ва партиясиз актив марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганиш истагини билдирди.

Барча тўгаракларга назарий тайёргарликка ва пропагандистлик соҳасида катта тажрибага эга бўлган коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари машғулотларнинг юқори савияда, жонли ўтиши пропагандист кадрларнинг маҳоратини ва методик тажрибасини оширишга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, уларга назарий ва амалий ёрдам беришни кун сайин кучайтирмоқдалар.

Бундан ташқари, сиёсий маориф кабинетида махсус консультантлар орқали назарияни мустақил ўрганувчиларга муттасил консультация бериб борилди. Кабинетда турли адабиётлар танланган, витриналар ташкил этилган, турли диаграммалар ва бошқа кўргазмали қуроллар тахт қилиб қўйилган. Пропагандистлар булардан кенг равишда фойдаланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида партия комитетлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг фаолиятини активлаштиришлари, уларнинг пропагандистлик ишидаги энг яхши тажрибаларини умумлаштириш ва ёйишдаги ролини, назарияни мустақил ўрганувчиларга ва пропагандистларга назарий ва методик ёрдамни ташкил этишдаги ролини оширишлари лозимлиги кўрсатилган.

Сиёсий маориф кабинети буни ҳисобга олиб, район партия комитетининг ёрдамида бундан сўнг пропагандистларга ва назарияни мустақил ўрганувчиларга назарий ҳамда методик ёрдамни кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилади. Яқин вақт ичида бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, пропагандистлар ва агитаторларнинг алоҳида-алоҳида йиғилишларини ўтказиш, кейинроқ эса район ўқитувчиларининг назарий семинарини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Пропагандистларнинг доимий назарий семинари машғулотларининг савияси янада оширилади, улар, шунингдек назарияни мустақил ўрганувчилар учун ўқилаётган лекцияларнинг сони янада кўпайтирилади.

А. КАБАЧКОВ,
Янгийўл район партия комитети сиёсий маориф кабинетининг мудири.

Лекция пропагандасининг таъсирчанлигини оширайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Жамиятининг кенгайтирилган президиумида қизғин муҳокама қилинди.

— Бу муҳим ҳужжатни кенг пропаганда қилиш юзасидан, — дейди республика жамияти Правлениесининг раиси, академик Иброҳим Мўминов, — Жамиятнинг жойлардаги ташкилотлари ўз ишларини КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида қайта қуришлари, лекция пропагандасини аҳолининг турли табақалари, касб-кори, ёши, маълумоти ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришлари зарур.

Президиум ўқилаётган лекцияларнинг сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, тематик доирасини кенгайтириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш бўйича кенгайтирилган қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети қарорини кенг пропаганда қилиш юзасидан сиёсий темаларда 5 та брошюра, 10 та лекция текстини нашр қилиш, жамиятнинг жойлардаги ташкилотлари ва республика миқёсида сиёсий, илмий ва маданий темаларда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат экономикасини ўрганиш юзасидан конференциялар ўтказиш тўғрисида конкрет тадбирлар белгиланди.

Х. ХАТАМОВ.

НУТҚ

Лектор Шокиров залда ўтирганларни кўздан кечириб чиққач, муштига йўталиб:

— Ўртоқлар! — деб сўз бошлади. Сўнгра қалтираб турган қўллари билан ўзимизнинг расмона ёстиқча неладиган сариқ папкасини титкилаб, худди ўша папкадай сарғайиб кетган эски конспектларни олди-да секингина кафедрага қўйди.

— Ўртоқлар...

Лектор етти йиллик ҳақида ўқий бошлади. Аввал К. Марксдан цитата келтирди. Сўнгра аллақайси, номи жуда қийин бўлган бир олимнинг бошқа олимга қилган даъвоси бутунлай асосиз, пуч эканлигини исботлашга ўтди ва ўқиди:

— ... Шундай қилиб, ишлаб чиқариш кучларининг А. группаси Б. группасига нисбатан устун ривожланиши — бу иқтисодий қонунлар қонунининг сарлавҳаси ўлароқ жамият формацияларида инсониятнинг индивидуал мушоҳидаси...

Зал жим. Биров эснайди, биров мудраб ияги билан стул суянчиғини «чўқиб қўяди», бирови эса ўз хурпрагидан ўзи чўчиб:

— Ё пирей,—деб қўяди.

Орқа қаторларда аллақачон чиқиб кетишган. Лектор бўлса ҳамон бир меъёрда ўқишда давом этади, сув ичади, қоғозларни варақлайди. Аммо унинг нутқида на жозиба, на қалб ҳарорати, на содда мантиқ, на

шу кунги ҳаётдан бирон мисол бор. Ўтирганлар ўзини худди туш кўриб, тушида алланим билан сўзлашаётгандек ҳис қилишади. Ленин ҳеч нарсага тушунмайдилар, юрак қисилади, диққат ошади. Кимдир орқасига ўгирилиб:

— Уҳ! — деб қўяди.

Лектор давом этади:

— Ўртоқлар...

Лекин бу пайтда залда фақат тўрттагина ўртоқ қолган эди, холос.

Х. ТЎХТАБОЕВ.

Фанимиз коммунизм улуғ ишига хизмат қилсин

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида» деб чиқарган қарорида—ижтимоий фанларнинг ходимлари партия ва халқнинг коммунизм ғалабаси учун олиб бораётган кураши тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришлари, турмушни чуқур ўрганишлари, ҳозирги замоннинг туб назарий проблемаларини, социализмнинг ўсиб коммунизмга ўтишидаги асосий қонуниятларини ижодий ишлаб чиқишлари лозимлиги таъкидланган. Бу қарорда биз экономистларнинг ҳам муҳим вазифалари кўрсатилган. Институтда Ўзбекистон ССР нинг социалистик ишлаб чиқариши ва ижтимоий баланси, комплекс механизациянинг перспективалари ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўрта Осиё халқ хўжалигининг сиёсий иқтисодий соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Институтда мамлакатимиз саноатини ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллаган машинасозлик, кимё ва газ саноати экономикасини ўрганиш юзасидан катта илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Экономика фанлари кандидати А. Ортиқов ва илмий ходим П. В. Колякин ўртоқлар машинасозлик соҳасида, экономика фанлари кандидати Б. Н. Десятчиков кимё саноати бўйича ҳамда СССР Қурилиш ва Архитектура фанлари академиясининг корреспондент аъзоси С. Зиядуллаев билан илмий ходим Н. А. Волотко ўртоқлар газ саноати бўйича илмий-текшириш ишлари олиб бораётирлар. Бундан ташқари институтда қишлоқ хўжалигида социалистик мулкчилик формасининг ривожланиши юзасидан ҳам катта илмий ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни кенг омма орасида ёйиш йўлида ҳам катта тадбирлар белгиланган. Жумладан, илмий-оммабоп серияларда брошюралар нашр қилинади.

«Етти йилликда аҳолининг турмуш даражаси», «Саноат маҳсулотларининг таннархи ва унинг камайиш йўллари» сингари қатор темаларда брошюралар нашр қилиниб, пропагандист ва кенг ўқувчилар оммасига тарқатилади. Олим ва илмий ходимларимиз жойларга, саноат корхоналарига бориб, партиямиз XXI съезди материалларини, Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми қарорларини пропаганда қиладилар.

О. ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг директори, экономика фанлари доктори, профессор.

СУРАТДА: пропагандист ўртоқ Б. Яҳёев навбатдаги машғулотни ўтказаётир.

М. Шевелев фотоси.

Шарафли бурч

Баҳром Яҳёевни райком бюросида Сталин номли колхозда ташкил этилган КПСС тарихини ўрганиш тўгарагига пропагандист қилиб тайинлашганда ич-ичидан қувонди. Шарафли бурч, катта бахт деди ўзига-ўзи гапиргандек.

Ҳақиқатан ҳам унга топширилган вазифа ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Ахир, улуғ партиянинг, Ленин партиясининг, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини таъминлаб, халққа озодлик берган, унинг социализм ғалабаси учун олиб борган курашига бошчилик қилган, эндиликда эса уни коммунизмнинг нурли чўққилари сари комил ишонч билан бошлаб бораётган партиянинг шонли тарихини ва назариясини пропаганда қилиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Бу ҳақиқатан ҳам катта бахт, шарафли бурч эди.

Яна у, ўзи партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаётган колхозда пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун кураш олиб бораётган, тўғриси ана шу курашнинг олдинги сафида турган коммунистлар ва партиясиз активларнинг сиёсий ўқишига раҳбарлик қилади. Сиёсий ўқиш, пропагандист берган билим уларнинг сиёсий онгини, ишлаб чиқаришдаги активлиги ва авангардлик ролини оширади. Улар олган билимларини амалда қўлланиб, хўжаликка раҳбарликни янада кучайтирадилар, уни ривожлантириш йўлида яхшироқ ишлайдилар. Ву партия XXI съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Бу ҳам катта бахт, шарафли вазифа!

Баҳром Яҳёевга пропагандистлик вазифаси топширилганида, унинг олий маълумоти, қолаверса идеология соҳасида ишлаб орттирган катта тажрибаси ҳисобга олинди. У, узоқ вақт «Коммунизм» колхози қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилди. Шу даврда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга ўзининг бутун кучи ва маҳоратини сарфлаш билан бирга, колхоз аъзолари ўртасида сиёсий агитация олиб боришда актив қатнашди. Дала шийпонларида сиёсий ва хўжалик темаларида суҳбатлар ўтказди, лекциялар ўқиди. Сўнг бир неча йил Сирдарё районида чиқадиган «Қизил юлдуз» газетасида редактор, район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлимида мудир бўлиб ишлади.

Ўтган йилнинг бошларида ўз илтимосига биноан район партия комитетининг бюроси уни Сталин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти секретарлигига тавсия этди. Колхоз коммунистлари уни ўз ташкилотларига раҳбар қилиб сайладилар.

Колхоз аъзолари партия ташкилоти ва правление раҳбарлиги остида КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини, етти йиллик план топшириқларини амалга ошириш учун актив кураш олиб бордилар. Пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа соҳаларини юксалтириш йўлида тузик натижаларга эришдилар. Давлатга пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари тўла адо этилди.

Пропагандист КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материалларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган дастлабки машғулотда тингловчиларга ана шулар ҳақида аниқ маълумотлар асосида гапириб берди.

Пленум материаллари билан танишар экан. Яҳёев ўз конспектига республикамизда ўтган йили 3 миллион 157 минг тонна, ҳар гектар ерда эса ўрта ҳисобда 22,8 центнер пахта етиштирилганлиги, 330 минг тонна пахта машиналар билан териб олинганлиги, илғор областлар, районлар хўжаликларда пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришда эришилган муваффақиятларга таллуқли фактларни алоҳида-алоҳида ёзиб олган эди. Сўнг унга область ва район хўжалигига таллуқли худди ана шундай фактларни киритди. Ниҳоят конспектга колхозда 1959 йили ҳар гектар ерда 30 центнердан пахта етиштирилгани, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 1958 йилдагига нисбатан 5 центнердан кўпроқ ошгани, пахтачилик комплекс механизациялаштирилгани сабабли бир центнер пахта етиштириш учун тахминан 5 меҳнат куни сарфланиб, унинг таннархи 90 сўмга тўғри келгани, коммунист А. Назаров, Э. Тўлибоев, О. Тўйчиев, шунингдек Э. Пиримқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 32—37 центнер ҳосил олингани ёзилди.

Машғулотни жонли суҳбат тарзида ўтказишга ҳаракат қилган пропагандист ана шулар ҳақида гапирар экан, унинг сўзини олдинги қаторда ўтирган колхоз раиси Қ. Синдоров, қишлоқ совети раиси М. Ботиров, оддий колхозчи Т. Бобомурадовдан тортиб, кейинги қаторларда ўтирган кассир А. Биредзе, бухгалтер, М. Жоҳонгиров, механизаторлар Р. Мансуров, И. Баталов, А. Назировларгача қунт билан тингладилар.

Гап чорвачилик тўғрисида борганида, пропагандист мамлакатимизнинг илғор чорвадорлари, жумладан рязанликлар, областимизнинг Калинин, Оржоникидзе районларидаги айрим илғор хўжаликлар эришган муваффақиятларга тўхталди. Колхоздаги аҳволни эса танқидий анализ қилиб берди. Жумладан, у, ўтган йили 92 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 1200 литрдан сал ортиқ сут соғиб олинганини, ҳар 100 гектар ерга ҳисоблаганда жуда оз миқдорда гўшт, сут, тухум етиштирилганлигини кўрсатди.

Шу сабабли машғулот қатнашчиларининг деярлик ҳаммаси пропагандистга ўзини қизиқтирган саволни берди ва унга тўла жавоб олди.

Тўгарак қатнашчилари ҳам, пропагандист ҳам машғулот ўтказилган хонадан чиқар эканлар, уларнинг чеҳрасидан ўтказилган машғулотнинг натижасидан мамнун эканликлари сезилиб турар эди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 19 ЯНВАРЬ.

КПСС МК Пленуми қарорларини амалга оширамиз

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғанишер Юнусов бригада аъзолари билан бу йилги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

В. Салов фотоси.

Механизациядан унумли фойдаланамиз

ОРЖОНИКИДЗЕ. Районда механизаторларнинг йигилиши бўлиб ўтди. Йигилиш қатнашчилари бу йилги вазифалар, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш йўллари тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар. Бу ҳақда район партия комитетининг секретари ўртоқ Қосимов муфассал тўхталиб, ўтди.

— Ўтган йили районимизда механизациядан фойдаланиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Давлатга топширилган пахтанинг ҳар бир центнери 203 сўмга тушди. Бир центнер пахта тайёрлаш учун 5,6 меҳнат куни сарфланди. Лекин ҳали бу соҳада камчиликларимиз кўп. Айниқса, сабзавот экинлари етиштиришда техниканинг кучига етарли баҳо бермаётирмиз, «XXI партсъезд» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиги, сабзавотчи ўртоқ Муҳиддиновнинг ташаббуси оммалаштирилмаётир.

Докладдан сўнг музокарага чиққан Хрушчев номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева бундай дейди:

— Ўтган йили 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил топширдик. Бу йил Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ташаббусига қўшилиб, трактор-далачилик бригадасига бошчилик қиламан. Ҳамма еримизга квадратуялаб чигит экамиз. Мен механизаторлик касбини ўрганиб мавсумда 150 тонна пахта теришга сўз бераман.

Шунингдек, «Сталинград» колхозидан Н. Гуломов, Ленин номли колхоздан С. Фаёзов, Навоий номли колхоздан Н. Ибодов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, юқори ҳосил олиш учун ҳаракат қилишларини айтдилар.

Йигилиш охирида механизаторлар ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар.

М. БОЛТАБОЕВ.

Ичкарида баҳор

Колхоз қўчаларидан ўтиб бормоқдамиз. Дала бетини оппоқ қор қоплаган. Аммо ҳув, рўпарадаги катта бино ичкарисига кирсангиз баҳор: колхознинг теплица комбинатида иш қизғин бораётир. Колхозчилар қишда ҳам шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисида қайғириб парник ва теплица хўжалигида ишни намунали ташкил этганлар. Теплицанинг секцияларидан ўтиб бормоқдамиз. Помидор шовулдек тугиб қизариб қолибди. Бодринглар ҳам ўзини кўз-кўз қилиб турибди.

— Хўжалигимиз аъзолари,— дейди теплица бригадири ўртоқ Асом Ибрэҳимов. — Янги йил арафасида шаҳар аҳолиси дастурхонига 800 килограмм помидор, 1100 килограмм редиска, 500 килограммга яқин укроп ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар.

Теплицада булардан ташқари бир неча хил сабзавот кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. Кўчатларни бехато ундириб олиш учун қўплаб чиринди тувакчалари тайёрлаб қўйилди.

Теплица хўжалигида ишларни намунали йўлга қўйишда колхозчилардан Обидов, Еқубова, Шарипов ва Умаров ўртоқларнинг хизмати катта бўлаяпти. Улар экинларни агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилмоқдалар.

З. НАЖМИДДИНОВ,
А. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Калинин районидаги Сталин номли колхоз.

Кунлар ўтади, режалар ўзгаради

Қудратли ҳайдов тракторлари бепоён далани ларзага келтириб гурилларди. Бригада аъзолари ана шундай кунларнинг бирида маслаҳат учун тўпланишди.

— Кузимиз сахий келди! — деди Ғанишер ака мамнунлик билан.— Бир йилда уч қайтариб мажбурият олдик. 50 дедик, камроққа ўхшади. 55 деганлик, ҳосилимизнинг чўғи мўлдай кўринди. Пировардида гектар бошига 57 центнер дедик. Бахтимизни қарангки, 57 эмас 60 центнердан ҳосил кўтардик. Ўтган йилни дуруст якунладик, энди олтмишинчи йилдаги вазифаларимиз ҳақида маслаҳатлашиб олайлик.

Шу куни бригада аъзолари янги-янги режаларни ўртага ташлашиб дурустгина мунозара қилишди. Бировлар ер майдонини ҳам, ҳосилдорликни ҳам оширамиз дейишди. Бироқ кўпчилик бошқа фикрда эди.

— Олтмишинчи йилда яна 18 гектар янги ер очиб, 100 гектар майдонга чигит эксак. Ҳосилдорликни ўтган йилги даражада сақлаб қолсак,— пахтакорлар орасида мана шу гапни қувватлаганлар кўпроқ эди. Аммо Москвага қилинган еттинчи сафар Ғанишер аканинг илгарги режаларини ўзгартириб юборди.

— Ҳосилнинг чегараси бўлмайди,— ўйларди у Пленумдаги гаплардан хулоса чиқариб,— ўтган йили олтмиш эди, бу йил олтмиш беш центнерни кўзлайверишимиз керак. Лекин бошқалар бунга нима дейишаркин. «Бригадиримиз катта кетаверади-ю, оғирлик бизга тушади» деб айтишмасмикан?

Ғанишер ака Москвада юрганида ҳам, қишлоғига қайтганида ҳам мана шу ҳақда кўп ўйлади. Шунинг учун тезда бригада аъзоларини тўплаб, пойтахтда тугилган янги режаларни ўртага ташлади.

— Катта иш, тўй-маърака олдидан кўнгил яқинларини йиғиб маслаҳат солиш ота-бободларимиздан одат бўлиб қолган. Ҳукуматимиз бошлиқлари ҳам шундай қилишди,— у гапини шундай бошлади,— Пленумда юртимизни яна ҳам обод, бадавлат қилиш учун қандай иш тутсак бўлади деб кўпчиликдан маслаҳат сўрашди. Ҳамма ўз фикрини айтди. Буларни ўзларингиз ҳам газеталардан қўриб бордингиз.

— Гапни чўзмай қўяқолай,— деди у ўз фикрини тезроқ маълум қилишга интилиб,— бу йил юз гектар ердан 65 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғласак. Шунга сиз нима дейсиз? Ёки қийинроқ бўлармикан-а, ўғлим Абдумалик?

— Қийинликка қийин-а,— жавоб қилди Абдумалик, — лекин ахир бўлсак, бир ёқадан бош чиқариб ишласак, ўша сиз айтган 65 ҳам бўлади.

— Биз сафингиздамиз, сиз командир, Шер ака.— Абдумаликнинг гапини давом эттирди Абдуҳамид. — Шу қалъани олинглар, десангиз бас, оламиз. Бизнинг номимиздан сизни Москвадай жойга чақириб маслаҳат солишса-ю, биз ўтган йили 60 центнердан ҳосил олувдик, бу йил ҳам мўлжалимиз шу деб ўтирсак, уят бўлади.

— Жуда тўғри! Ҳақ гап!— дейишди бошқалар ҳам.

Ғанишер ака ишнинг енгил кўчганидан, бригада аъзоларининг эл-юрт нафи учун бўладиган ҳар қандай ишга сира иккиланмай «хўп бўлади» деб бош қўшишидан хурсанд бўлиб кетди.

— Кенгашли тўй тарқалмас,— деди у,— маслаҳатлашиб бир фикрга келиб олганимиз яхши бўлди, ишнинг буёғи ҳам ёмон бўлмаса керак.

— Хотиржам бўлаверинг, Шер. Йигитларингиз саломат бўлишса, сизни дол қолдиришмайди,— бригадирга тасалли берди Эргашвой ота.

Ғанишер ака Пленумда халқимиз олдига қўйилган янги вазифалар, уларни бажариш учун кўрсатилган йўл-йўриқлар ҳақида анча гапирди.

— Илгарилари ҳосилнинг мўл бўлиши учун курашаверардигу, ишнинг бошқа томонларига аҳамият бермасдик, — суҳбатни якунлади у. — Энди бундай эмас. Пленумда мўл, аммо қиммат ҳосилнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ, ҳар бир соҳада, ҳар қайси ишда оз меҳнат сарфлаб, катта ютуқларни қўлга киритиш лозим. Бунинг учун механизациядан унумли фойдаланиш даркор дейилди. Шу гаплар биз учун ҳам асосий қўлланма бўлсин. Бусиз узоққа кетолмаймиз, ваъдамизнинг устидан чиқолмаймиз. Ҳозирдан келишиб олайлик. Бу йил бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 40 тоннадан пахта етиштирамиз. Кетмонни улоқтириб ташлаймиз. Ҳамма ҳосилни машинада териб оламиз. Бу— партия топшириғи.

Эртаси куниёқ бригаданинг дала шийпонида янги мажбурият кўрсатилган шиор қилпиради. Ғанишер ака уни ўз қўли билан деворга остач, ҳар хил топшириқ билан далага ҳужум бошлаган «жангчилар» томонга йўл олди.

Осмон бегубор. Қор-ёмғир сувини шимирабериб бети қотган шудгорлар офтобнинг илиқ нуридан енгил буг чиқариб кўпчиб ётибди. Ғанишер ака шоҳариқ ёқалаб секин бораркан, кафтдек текис шудгорларнинг нариги ёғига — ҳанузгача ўзлаштирилмай ётган тўқайзорга тикиларди.

Ҳар нарсанинг ўзига муносиб завқ-нашъаси бор. Чўпон қўйларини яйловга ёйиб, четини кўз илғамас бўшлиқларга нигоҳ ташласа, чавандоз дараларни гумбирлатиб бедов отнинг бошини қўйса, ғаллакор ўзи ўстирган олтин бошоқларнинг ел билан ўйнашиб майин тебранишини кўрса, шодлиги юрагига сиғмай энтикаркан. Ғанишер ака ҳам ўшаларнинг бири. Фақат у яйловни, отни, олтин бошоқларни эмас, балки унинг ўз сўзи билан айтганда ойпахтани кўрганида қувонганидан юраги гуп-гуп уради, энтикади. Унинг шодлиги ҳам, ҳузур-ҳаловати ҳам пахтадан. Шунинг учун қўёш тафтидан ўзини қўйиб семириб ётган мана бу ерлар уни ўзига мафтун қиларди. Ахир унда ойпахта унадида. Хўв, анову тўқайзор бўлса, Шернинг юрагига ғашлик соларди. Ғанишер ака ана шу фикрлар билан олишиб, карта четидаги ҳашакларни қуйдираётган уч йигитга яқинлашди. Булар унинг ўз фарзандлари эди.

— Саломат бўлсак, келгуси йил хўв ўша тўқайзорга ҳужум қиламиз!— деди у қатъий қилиб Абдуҳалил, Ўктам ва Одилжонларга. Бу қаҳрамоннинг 1961 йил учун тузган илк режаси эди.

Ғанишер ака дала шийпонига қайтар экан, Москвада Ватанимизнинг илғор кишилари билан, жумладан, ўбластимизнинг донгдор механизатори Валентин Тюпко билан қилган суҳбатини эслади.

— Еримиз 125 гектар, Ғанишер ака,— деган эди Валентин,— ўзим билан беш кишимиз, ҳаммамиз техникани яхши биламиз. Бутун ишни машинада бажарамиз. Шунинг учун ўтган йили киши бошига 63 тоннадан пахта етиштирдик.

— Бу йилги режангиз қандай?— сўраганди Ғанишер ака.

— Бу йил марра 75 тонна.

— 75 тонна. Бу — жуда катта иш. Биз бўлсак, юз гектар ерда 16 кишимиз-у, ҳаммаёққа доврўқ солиб юрибмиз... Ҳа, майли,— ўз-ўзига тасалли берди кейин у,— томга ҳам шоти билан погонама-погона чиқишади. Бу йил бўлмаса келгуси йил биз ҳам 75 тоннани нишонга оламиз.

Бу қаҳрамоннинг етти йилликнинг учинчи йили учун тузган иккинчи режаси эди.

С. СУЛТОНОВ,
Гулистон районидаги Ленин номли колхоз.

Бўрдоқига боқилмоқда

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози чорвадорлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашмоқдалар. Чорвадорлар Пленум қарорларини атрофлича муҳокама қилиб, ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, гўшт, тухум етиштириш бўйича етти йиллик планни 1961 йилда, сут, жун етиштириш бўйича етти йиллик планни эса 1963 йилда бажаришга қарор қилдилар. Шунингдек етти йилликнинг иккинчи йилида давлатга ҳар 100 гектар ер ҳисобига 46 центнердан гўшт, 96 центнердан сут топшириш мўлжалланмоқда.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш тадбирлари белгиланди. Бу ерда молларни бўрдоқи қилиб боқиб семиртиришга алоҳида аҳамият берилаётир. Шу мақсадда махсус бўрдоқичилик бригадаси тузилиб, унга тажрибали чорвадор-зоотехник Умурзоқ Алибеков бошлиқ қилиб тайинланди. Ҳозирги кунда 200 бош қорамол, 150 бош қўй, 50 бош чўчқа, 200 та парранда боқувга қўйилди. Чорва моллари группаларга ажратилиб, махсус тузилган рацион билан боқилмоқда. Ҳар 10 кунда тортилиб, қанчалик семираётганлиги аниқланади. Агар боқувчи шу 10 кун давомида бир молни ўртача 10 килограмм семиртираолган бўлса, унга қўшимча бир меҳнат куни ёзилади. Бундан рағбатланган молбоқарлар бир-бирлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар.

Моллари бўрдоқи қилиб боқишнинг дастлабки натижалари қувончли бўлди. 1 январдан 10 январгача қидинган ишларга якун ясалиб, моллар тортиб кўрилганида ҳар бир қўй ўртача 4 килограммдан, қорамол ва чўчқалар 15 килограммдан, паррандалар эса ярим килограммдан семирганлиги маълум бўлди. Чорвадорлар бундан ҳам яхши кўрсаткичга эришиш, давлатга топшириладиган қорамолнинг ўртача оғирлиги 200 — 220 килограмм, чўчқанинг оғирлиги 100 килограмм, қўйнинг оғирлиги 50 килограммдан кам бўлмаслиги учун курашмоқдалар.

Т. ИЎЛДОШЕВ,
Ж. ХОЛМАТОВ.

ЯНГИ ҚОНУН АМАЛДА

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мактаб директори Семен Александрович Мушталер бизни ўқув устахонасига бошлаб кирганида амалий машғулотнинг авжи қизиган пайти экан. Кенг ва ёруғ хоналарнинг бирига слесарлик, иккинчисига эса дурадгорлик устахонаси жойлашган. Иккала устахона ҳам дастгоҳлар ва зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Деворларда слесарлик ва дурадгорликка таллуқли расм-плакатлар.

— Токарь Николай Александрович, политехника ўқитувчимиз,— таништирди бизни директор.

Ўрта бўйли, юзидан табассум аримайдиган бу ёш ўқитувчи ўғил болалар билан қизларга ҳам слесарликни, ҳам дурадгорликни ўргатар экан. Николай Александрович илгари заводда техника контроли бўлимида мастер бўлиб ишлаган. Токарлик, слесарлик ва дурадгорлик касбларини яхши билар экан.

— Мени мактабга таклиф қилганларида олдинига ўйланиб қолдим,— деди у.— Ахир ўқитувчилик осон иш эмаслигини билардим-да. Йўқ, кейинчалик иш юришиб кетди. Болаларнинг ҳунарга бўлган муҳаббати менга ҳам кучқувват, ирода бахш этди.

Ўқитувчи бизни мактабда политехника таълимининг қандай йўлга қўйилгани билан батафсил таништирди. Слесарлик устахонасида 15 комплект зарур асбоблар, 15 та исканжа, токарлик ва пармалаш станоги бор. Дурадгорлик устахонаси ҳам 20 комплект зарур асбобларга, токарлик станоги, электр арра ва зарур нарсаларга эга. Хоналар электрлаштирилган.

— 5 ва 6-синф ўқувчилари асбобларни қандай ишлатиш ва айрим оддий нарсаларни ёғоч ва металлдан ясашни ўрганадилар. 7 — 8-синф ўқувчилари эса анча мураккаб нарсаларни ҳам мустақил ясайверадилар. Мана ҳозир 7-«б» синф ўқувчилари эшик учун ҳалқа ва синф чўтлари учун ёғочдан юмалоқ доналар ясамоқдалар.

— 8—9-синфдагилар токарлик ишларини анча мукаммал ўзлаштириб олганлар, — қўшиб қўйди директор. — Битирувчи синфдагилар эса электротехникани эгаллашаяпти. Хуллас мактабимиздан чиққанлар ишлаб чиқаришга борганда қийналишмайди. Ҳа, айтгандай, ўтган йили мактабимизни тамомлаганлардан 15 киши ҳозир электрокимё комбинатида малакали ишчилар қаторида меҳнат қилишаяпти.

Болаларнинг ҳаракатига разм солдик: ҳаммаси ҳам ўз ишига берилган, ўқитувчи айтганларини тўғри бажаришга ҳаракат қилмоқда. Улар тайёрлаган меҳнат маҳсулларига меҳр ва қувонч билан боқадилар. Меҳнат самараси, ҳунар эгаси бўлиш ҳаммани ҳам қувонтиради. Доно халқимиз «ҳунардан унар» деб бечиз айтган эмас.

— Буларнинг ҳаммаси оғалик ташкилотимиз электрокимё комбинатининг катта ёрдами туфайли бунёдга келди,— деди директор, ташқарига чиққанимизда. — Март ойигача теплица ва инкубаторимиз ҳам битади, — суҳбатдошимиз қадди анча кўтарилиб қолган қурилишга ишора қилди.

8- ўрта мактабдан беш юз метр чамаси нарида жойлашган 10- ўрта мактабда ҳам бўлдик. Бу мактабда ҳам комбинат ёрдами билан 8-мактабникига ўхшаш ўқув устахонаси қад кўтарган. Слесарлик устахонаси худди кичикроқ корхонанинг цехига ўхшаб кетади. Бир хилда иш кийимидаги болалар дастгоҳ тепасига энгашиб, ўқитувчи Александр Егорович Гризунов берган топшириқни бажаришмоқда. Дурадгорлик устахонасида эса 6-«а» синфининг қизлари ўқитувчи Николай Горшков раҳбарлигида «қил» арра билан фанердан юлдузчалар ясашаётган экан.

— Шунча юлдузчани нима қиласизлар? — сўрадик.

— Оталигимиздаги боғча болаларига 1-Майда совға қиламиз, — икки-уч қиз бараварига жавоб беришди қувониб.

Политехника таълими намунали йўлга қўйилган бу икки мактаб электрокимё комбинатининг оталигида. Комбинат партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маъмурияти, қолаверса бутун коллектив ўз оталик вазифаларига масъулиятли муносабатда бўлиб, ҳар иккала мактабга типовой устахона биноси қуришда катта моддий ёрдам кўрсатдилар. Улар мактабларнинг дирекцияси билан ҳамкорликда устахоналарни зарур асбоб-ускуналар билан таъминладилар. Устахоналарда болалар ишлатадиган металл ва ёғоч материалларни ҳам комбинат етказиб бериб туради. Бундан ташқари комбинатда 150 ўқувчи учун иш жойи ажратилган. Юқори синф ўқувчилари бу ерга келиб малакали мутахассислар ва илғор ишчилардан ҳунар ўрганмоқдалар, меҳнат малакасига эга бўлмоқдалар. Комбинатнинг бевосита ёрдами туфайли 8-мактабда 11 январдан бошлаб дарслар бир сменага кўчирилибди.

Оталикдаги мактабларда таълим-тарбия ишларини яхшилаш, дарсларнинг сифатини текшириш ва кўргазмали ўқув қуроллари бўйича иккита жамоат комиссияси тузилган. Комиссия аъзолари орасида комбинатнинг актив жамоатчилари, илғор ишчилар, тажрибали ўқитувчилар бор. Ўқув сифатини текширувчи комиссия мактабларда очиқ машғулотларда қатнашиб, дарс сифатини текширади, ўзлаштирмовчи болаларнинг қолоқлик сабабларини ўрганади, оилада дарс тайёрлаш учун ўқувчига яратиб берилган шароит билан танишади. Комбинат касаба союз комитети раисининг ўринбосари Геннадий Иванович Бутько комиссия фаолиятидан ибратли бир мисолни айтиб берди.

Электрокимё комбинати маъмурияти ва жамоат ташкилотлари юқорида айтилганлар билан чегараланиб қолмай, болаларни уйда ва мактабда ўқитиш ҳамда тарбиялашда ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан янги ташаббусни бошладилар. Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлар жиддий ўйлаб, жуда муҳим ва оқилона тадбирларни белгиладилар.

Жумладан, корхона коллективи оталикдаги мактабларга ёрдамни кучайтириб, 1960—1962 йиллар мобайнида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими учун ҳар йили комбинат малакали ишчиларидан 30 инструктор ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун етарли миқдорда иш жойи ажратиш, болаларга иссиқ овқат бериладиган учта узайтирилган кун группаси ташкил қилиш, ҳар иккала мактабда теплица қуриш, кечки ишчи-ёшлар мактаби хоналарини 200 квадрат метрга кенгайтириш, ўрта мактабни тамомлаган болалардан асосий ҳунарларни ўрганган 320 мутахассис тайёрлаш, 1200 ёш ишчининг малакасини ошириш, 500 ўқувчига мўлжалланган ёш техниклар клуби ташкил қилиш, болаларнинг ёзги дам олишини намунали уюштириш ва бошқа жуда кўп тадбирлар амалга оширилади.

Комбинат коллективининг бу қимматли ташаббуси мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги янги Қонунни тўла амалга ошириш учун курашнинг ҳамма учун ибрат бўладиган намунадир.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббусимизни маъқуллаганлиги бизни жуда руҳлантириб юборди, белгиланган тадбирларни ғайрат билан амалга оширамиз ва бошқаларни ҳам мактабларга ёрдам беришни тубдан яхшилашга чақирамиз! — демоқда электрокимё комбинатининг ғамхўр коллективи.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Сиз кўриб турган суратдаги В. Кашуткин ва Ю. Желилов 8-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқишади. Бу меҳнатсевар ўқувчилар амалий машғулот вақтида токарлик станогини бемалол бошқаришаверади.

10-ўрта мактабнинг ўқувчилари слесарлик касбини ўргатувчи ўқитувчи А. Гризуновни гоят ҳурмат қиладилар. Мана ўқитувчи ҳозир ҳам севимли ўқувчилари орасида. У слесарлик устахонасида ўқувчиларга топшириқ бермоқда.

10-ўрта мактабнинг 6-«а» синф ўқувчиси Женя Кулагиннинг дарслардан ўзлаштириши пасайиб кетган, уйга берилган вазифаларни сифатсиз бажарган ёки бутунлай бажармай келган. Илгарилари яхши ўқиб келаётган боланинг бундай ёмон аҳволга тушиши комиссия аъзоларини қизиқтирган. Боланинг уй шароити ўрганилганда, дадаси Николай Кулагин кейинги вақтларда уйига доим маст бўлиб келадиган одат чиқаргани аниқланган. Мастлик орқасида бўладиган уриш-жанжал болага уйда дарс тайёрлашга халақит берган, руҳан азоблаган.

— Биз Кулагиннинг аҳлоқини комбинат ремонт-механика заводи ишчилари умумий йиғилишида жиддий муҳокама қилдик. Ишчилар унга оталик бурчини яхшилаб уқтиришди, — деди ўртоқ Бутько. — Мана ҳозир боланинг ўқиши яхшиланиб бормоқда.

Кўргазмали ўқув қуроллари бўйича комиссия эса устахоналар эҳтиёжини қондириш, ўқув лабораторияларини тажриба асбоблари, турли кимёвий моддалар, ҳар хил кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлашга ёрдам беради.

Ҳар иккала мактабнинг директори ҳам комбинатнинг оталик ёрдамидан хурсандликларини айтишди.

Чирчиқ электрокимё комбинатида аппаратчи бўлиб ишлаётган ёш ишчилар (чапдан) А. Эргашев, А. Зайцев, Ф. Юзикаева, В. Салимов, Ю. Фартишев, З. Митина ўртоқлар смена бошлиғи Г. Вагайцев (чапдан учинчи) билан цех қизил бурчагида суҳбатлашмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ўтган йили ўрта мактабни тамомлаб, комбинатга ишга келган эдилар.

В. Салов фотолари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 19 ЯНВАРЬ.

Тинчлик ишига ва халқаро хавфсизликни юмшатишга қўшилган буюк ҳисса

СССР Олий Советининг Қуролли Кучларни қисқартишга қаратилган қарори тўғрисида чет элларда билдирилган фикрлар

ХИТОЙ

ПЕКИН, 17 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой газеталари бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида Совет Иттифоқининг ўз Қуролли Кучларини бир ўзи яна қисқартиши тўғрисида қилган докладини шарҳлашни давом эттирмоқдалар. Газеталар Совет ҳукуматининг бу тадбири Совет Иттифоқининг тинчликка астойдил интилаётганлигини исботлайдиган янги далилдир, унинг бу тадбирини хитой халқи ва бутун дунёдаги халқлар қувватлайдилар, деб якдиллик билан таъкидламоқдалар.

«Гуанмин жибао» газетаси ўз шарҳларида Совет ҳукуматининг бу жуда муҳим тадбири ягона бир тадбир эмас, балки Совет Иттифоқининг тинчлик ташқи сиёсатидаги муҳим звеноларидан биридир, деб ёзади.

Газета Н. С. Хрушчевнинг, агар бирор тентак бизнинг давлатимизга ёки бошқа социалистик давлатларга ҳужум қилинишига сабаб бўлса, у ҳолда бизга ҳужум қилган мамлакатни ёки мамлакатларни ер билан яксон қила олур эдик, деган сўзларини келтириб, бу сўзлар «зўравонлик позицияси»га тиш-тирноқлари билан ёпишиб олган империалистларни ҳушига келтирадиган ва ўз вақтида қилинган огоҳлантиришдир, деб таъкидлайди.

Совет Иттифоқи тинчликни сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган бирор муҳим таклифни илгари сурганда, деб ёзади «Чжунго циннянь бао» газетаси, АҚШ даги ва бошқа ғарбий мамлакатлардаги сиёсатчилар ва буржуа матбуоти ҳар сафар буни албатта «пропаганда» деб атайдилар. Ҳозир ҳам улар Совет Иттифоқининг ўз Қуролли Кучларини бир ўзи камайтириши ҳақидаги янги қарорини «пропаганда» деб атамоқдалар. Газета бундай деб савол беради: Совет Иттифоқининг ўз Қуролли Кучларини 1 миллион 200 минг киши камайтириш ҳақидаги қарори фақат «пропаганда» экан, нима учун АҚШ ҳам шундай қилмайди?

Совет Иттифоқи жаҳонда энг яхши замонавий қуролга эга бўлганига қарамай, деб давом қилади газета, бу қуролдан «зўравонлик позицияси» сиёсатини ўтказиш учун фойдаланмайди, балки қуролсизланиш учун қатъий кураш олиб бормоқда, бу эса Совет Иттифоқининг тинчликни астойдил ҳимоя қилаётганлигини кўрсатади.

«Цзэфанцзюнь бао» газетаси бундай деб ёзади: Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзда тутиб кўрган янги тадбирига қарамақарши суратда АҚШ бошлиқ Ғарб мамлакатлари ўз қуролларини тинмай кўпайтирмоқдалар ва ҳарбий блокларни ҳамма чоралар билан кучайтирмоқдалар.

ВЕНГРИЯ

БУДАПЕШТ, 17 январь (ТАСС). «Непсабадшаг» газетаси СССР Олий Совети сессияси СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисида Қонун ва жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига мурожаат қабул қилганлигини шарҳлаб, ўзининг бугунги сондаги бош мақоласида бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи 1955 йилдан буён ўз Қуролли Кучларини ана шу билан тўртинчи марта бир ўзи қисқартирди. Совет армиясининг миқдори, деб ёзади газета, ана шу қисқартиришдан кейин Совет Иттифоқи қуролсизланиш тўғрисидаги ўз таклифида қуролсизланишнинг дастлабки босқичи сифатида белгилаган миқдорга яқинлашаётганлигини сезмаслик мумкин эмас. Шундай қилиб, аслида гап Совет Иттифоқи тўла қуролсизланиш программасининг дастлабки босқичини бир ўзи амалга ошира бошлаганлиги тўғрисида бораётир.

Тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошираётган Совет Иттифоқининг бу тадбири, деб давом қилади газета, жаҳон халқлари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди ва халқаро кескинликни юмшатиш учун хизмат қиладиган тадбирлар билан узвий равишда боғлангандир.

Газета бошқа давлатлар ҳам Совет Иттифоқининг намунасидан ўрнак олишлари лозимлигини уқтириб, пировардида бундай деб ёзади: Жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар билан биргаликда қуролсизланиш учун курашаётган венгер халқи совет тинчлик сиёсатининг бу янги жуда катта тадбирини астойдид маъқуллаш билан кутиб олди. Ҳар бир венгер меҳнаткаши Венгриянинг шундай бир жаҳон системасига кирганлиги учун қонуний фахрланиш туйғуси билан тўлиб тошадики, Венгриянинг раҳбарлик кучи ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш учун курашда бошқа социалистик мамлакатлар билан жипслашиб ҳамда бошқа барча тинчликсевар халқлар билан биргаликда курашда осойишта, тинч социалистик қурилишни таъминламоқда.

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ, 16 январь (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Болгария Халқ Республикаси пойтахти партия активининг 15 январда бўлган йиғилишида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков халқаро ва ички аҳвол тўғрисида доклад қилди. Т. Живков ўз докладида Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети тўртинчи сессиясида қилган докладига катта эътибор берди.

У шуни қайд қилиб ўтдики, СССР Қуролли Кучлари сонини янада камайтириш соҳасида Совет ҳукумати кўраётган тадбирлар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш идеясини амалга ошириш йўлида қўйилган катта амалий қадамдир.

ҒФР

БЕРЛИН, 17 январь. (ТАСС). Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР Олий Советининг Совет Қуролли Кучларини яна анча камайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан баёнот эълон қилди. «Дейчер фрейхейтссендер 904» радиостанцияси орқали эшиттирилган бу баёнотда Ғарбий Германия аҳолиси оммавий ҳаракат қилиб, Аденауэр ҳукуматини Ғарбий Германияда зўр бериб қуролланишни тўхтатишга мажбур қилишга даъват этилади.

Баёнотда Аденауэр ўн йилдан бери «зўравонлик позицияси сиёсатини» ўтказиб келмоқда, халқаро кескинликни юмшатишга қарши ва Германия Демократик Республикаси билан ҳамжиҳатликка қарши чиқиб келмоқда, дейилади. Ҳозирги кунда бундай сиёсат ҳар қачонгига қараганда беҳуда ва авантюристик сиёсат бўлиб қолди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг баёноти

ЛОНДОН, 16 январь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэрга мактуб юборганини билдирди. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми бу мактубда Эйзенхауэрни ядро қуроли синовлари мораторийсидан воз кечиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқишга ва лоақал ядро синовларини ҳукумат бошлиқларининг шу йил 16 майга белгиланган кенгашига қадар бошламасликка чақиради.

Мактубда бундай дейилади:

«Азиз президент жаноблари,

Ўтган йил давомида халқаро кескинликни юмшатиш ишига Сиз ажойиб ҳисса қўшдингиз, бунинг натижасида давлатлар бошлиқларининг 16 майда учрашуви тўғрисида тегишли келишувга эришилди. Мана шу ишлардан кейин Сизнинг ядро қуроллари синовлари тўғрисидаги масала юзасидан 29 декабрда қилган баёнотингизни биз чуқур афсусланиб билдик.

Биз инспекция методлари тўғрисидаги масалада тафовутлар ҳал қилинмасдан қолишига қарамай, Америка ҳукумати ядро қуроли синовларини бошлаб юбориш учун ўзини ихтиёрли деб ҳисоблаши тўғрисидаги баёнот ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масала юзасидан, шунингдек март ойида бошланиши лозим бўлган қуролсизланиш комитети кенгашининг муваффақиятини хавф остида қолдирмаслиги мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Баёнотингиз ҳафсаланинг пир бўлишига ва дунё, ниҳоят, тинчлик ва қуролсизланиш йўлига кирди, деб умид боғлаган инсониятнинг ғоят катта кўпчилиги унга синовларнинг яна бошланиш хавфи ва тўхтовсиз зўр бериб қуролланиш перспективаси таҳдид қилади, деб ҳисоблаётганлиги Сизга бутун дунёдаги жамоатчилик фикрининг реакциясидан маълум бўлса керак.

Сиз ўз баёнотингизда далил қилиб келтирган қийинчиликлар, биз таъкидлаб ўтишга журъат этганимиздек, техникавий характерга қараганда, кўпроқ сиёсий характерга эгадир. Яхши ният ва ўзаро ишонч бўлганида бу қийинчиликларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этиш мумкин бўлур эди, бу музокаралар ҳатто чўзилиб кетган тақдирда ҳам, илгариги ҳолатдан бари-бир анча яхшироқ бўлган бўлур эди. Илгариги ҳолатда ядро қуроли синовлари батамом назоратсиз ўтказилиб келган эди.

Биз Сиздан ўз баёнотингизни қайта кўриб чиқишни ва Қўшма Штатлар ана шундай синовларни ҳукумат бошлиқлари кенгашига қадар бошлаб юбормаслик тўғрисида ваъда берган ҳолда, шу баёнотни ҳеч бўлмаганда ўзгартиришни Сиздан ғоят қатъий сўраймиз. бу кенгашда ядро уруши хавфига абадий барҳам бериш мумкин бўлар деб ишонамиз.

Сизга самимият билан,

Ж. Бернал,— Президиумнинг ижрочи президенти

Эммануэль д'Астье де Ла Вижери (Франция)

Изабелла Блюм (Бельгия)

Лоран Казанова (Франция)

Альберто Касселья (Аргентина)

Эженн Коттон (Франция)

Илья Эренбург (СССР)

Жеймс Эндикотт (Канада)

Вальтер Фридрих (Германия Демократик Республикаси)

Иоситалро Хирано (Япония)

Леопольд Инфельд (Польша)

Сайфуддин Китчлу (Ҳиндистон)

Александр Корнейчук (СССР)

Велио Спано (Италия)

Пандит Сундерлал (Ҳиндистон)

Антуан Табет (Ливан)

Фернандо Таржетти (Италия)»

Франция Н. С. Хрушчевнинг келишини табрикламоқда

ПАРИЖ, 17 январь. (ТАСС). 16 ва 17 январда «Франция-СССР» уюшмасининг ташаббуси билан Н. С. Хрушчевнинг яқинда Францияга келишига бағишланиб «Миллий кунлар» ўтказилмоқда.

Париж атрофидаги Сент-Уан шаҳрида кеча «Франция-СССР» уюшмаси раҳбарлари ва активларининг йиғилиши ўз ишини бошлади. Йиғилиш қатнашчилари тўпланган зал СССР ва Франция давлат байроқлари билан безатилган. Президиум столи тепасида «Яшасин Хрушчев билан де Голльнинг учрашуви! Яшасин Франция-Совет дўстлиги!» деб ёзилган катта шиор турибди.

Франциянинг машҳур арбоблари Эжени Коттон, Ален ле Леап, Фернан Гренье, Жан Казальбу ва бошқалар президиумдан жой оладилар.

Мажлисни қисқа кириш сўзи билан Эжени Коттон очди. У, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг яқинда Францияга қиладиган визитини мамлакат аҳолисининг жуда кенг доиралари маъқуллаганини ва табриклаганлигини таъкидлаб ўтди. Тинчликни ҳимоя қилиш ҳамда халқаро кескинликни юмшатиш ишида Н. С. Хрушчевнинг фаолияти ҳақида сўзлаб бериб, Эжени Коттон уюшманинг актив аъзоларини ва унинг ҳамма тарафдорларини ана шу учрашувнинг муваффақиятли бўлишига актив ёрдамлашишга, француз халқининг тинчликка, Совет Иттифоқи билан самимий дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилишини намойиш қилиб кўрсатишга даъват этди.

«Франция-СССР» уюшмасининг бу тарихий визит вақтидаги фаолияти тўғрисида уюшма секретариатининг аъзоси Пюисэ доклад қилди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Сибирь халқ хори

Мамлакатимиздаги энг танилган ансамбллардан бири ҳисобланган Сибирь Давлат халқ хори коллективини пойтахтимиз тамошабинлари меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Меҳмонларнинг Свердлов номли концерт залида бераётган концертлари зўр муваффақият билан ўтмоқда.

70 санъаткордан иборат бу коллектив программасида қадимги ва замонавий қўшиқлар, совет композиторларининг асарлари, шўх рақс ва халқ лапаларлари, ҳазил ўйинлар кенг ўрин олган. Айниқса, 18 талантли ўйинчидан иборат рақс группаси ижросидаги хилма-хил ўйноқи рақслар тамошабинларга жуда манзур бўлмоқда. Ансамбль составида композитор Галина Фуфаева, балетмейстер Яков Коломейский ва музика раҳбари Владимир Чирков сингари танилган санъаткорлар бор. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Левашев хорга бошчилик қилади.

Сибирь халқ хори ташкил этилгандан буён, ўтган 15 йил ичида мамлакатимизнинг деярлик барча шаҳарларида гастролда бўлиб, ўз санъатини намойиш қилди. Бу коллективнинг ижрочилик маҳорати Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ фестивалида ҳам юқори баҳоланди. Сибирь халқ хори фестиваль лауреати номини ва олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

Меҳмонлар бу сафар Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Олтой ўлкаси бўйлаб гастролга чиқишган. Улар Тошкентда 25 январгача концерт беришади.

Суратда: 1. Солист В. Климушина ва А. Попова «Арчажон» лапарини ижро этишмоқда. 2. Солист Зоя Зирянова рус халқ қўшиғини ижро этаётир.

А. Палехов фотолари.

„Муштум"нинг янги сони

«Муштум» журналининг 1-сонидаги муқовада пахта планини 10 процент бажардим деб, қолган муҳим ишларга бефарқ қараб келаётган бир мақтончоқнинг портрети гавдалантирилган.

Журналда «Муштумнинг тилаклари» сарлавҳали мақолада етти йиллиқнинг биринчи йилида эришилган ғалабаларни иккинчи йилда янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш тўғрисида сўз юритилган. Р. Мурод, А. Исомиддиннинг «Қуялар» сарлавҳали материалида Оҳангарон шаҳарининг айрим савдо ходимлари савдо тартибини бузиб, халқ ҳақига хиёнат қилаётганликлари очиб ташланган.

Бундан ташқари, САГУ студенти Ч. Долимовнинг «Тутун ва булут», Ҳ. Зоҳидийнинг «Якка чиқди», Шоҳид Тоҳировнинг «Ваъдабознинг хирғойиси» каби сатирик ва юмористик шеърлари, янги латифалар, туюқлар, турли темаларга бағишланган карикатуралар босилган.

Колхоз парклари

Областимиздаги ўнта колхоз Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоздан намуна олиб, қиш фаслида маданият ва истироҳат парклари барпо этди.

Свердлов номли колхознинг паркида 800 кишилик ёзги клуб, кутубхона, шахмат ва биллиард ўйинлари учун хона, рақс учун айвон қурилган. Теннис корти, волейбол ва баскетбол майдончалари алоҳида комплекс қилиб қурилган. Паркнинг махсус бурчаги кичкинтойлар учун ажратилган.

(ЎзТАГ).

Колхозчилар танкчилар ҳузурида

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари Совет Армияси жангчилари билан доимо дўстона алоқада бўлиб келмоқдалар. Сталин номли ҳарбий танкчилар мактабининг курсантлари яқинда бу колхозга келиб, артель аъзоларининг меҳмони бўлган эдилар. Улар ўз қисмларига қайта туриб, колхозчиларни жангчилар ҳузурига боришга таклиф қилдилар.

Яқинда «Қизил Ўзбекистон» колхози партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ҳошим Элбўсинов бошлиқ қишлоқ хўжалик илғорлари танкчилар ҳузурига меҳмон бўлиб боришди. Колхозчилар пахтачилик ва чорвачиликда эришган ютуқлари ҳақида, маданий турмушлари юксалиб бораётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Колхоз 4-бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров ўз аъзоларининг меҳнат ғалабалари ҳақида гапирди. Шундан сўнг ҳаваскор танкчилар меҳмонларга концерт қўйиб беришди.

Курсантларнинг колхозчилар билан учрашуви жуда қизиқарли ва мароқли ўтди.

А. ЛАТИПОВ.

Самарали меҳнати учун

Юсуф отанинг Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозида почтальонлик қила бошлаганига 20 йилдан ошиб кетди. Сергайрат кекса почтальон ҳар бир хонадонга газета-журнал, хат ва телеграммани ёки бошқа бирон хушхабарни тезроқ етказишга ошиқади. Колхозчилар кексалигига қарамай ўзларига ёшлардек хизмат қилаётган бу қарияни жуда ҳурмат қилишади.

Колхозда алоқа хизмати намунали йўлга қўйилгани учун обуначилар сони тобора ортмоқда. Бунда шубҳасиз, Юсуф отанинг хизмати катта. Шунинг учун ҳам кекса почтальон Юсуф ота Асанов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи ва колхоз правленеиси томонидан бир неча марта қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди.

К. ДОВУРБОЕВ.

Тошкентдаги 76-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Бахтиёр Азимов Сталин номли пионерлар саройидаги тўгарак машғулотларига актив қатнашиб, токарлик касбини ўрганмоқда. У мактабни тугатгач, токарь бўлиш орзусида. Суратда: Бахтиёр Азимов.

И. Гильдин фотоси.

Халоллик

11-милиция бўлимининг навбатчилар хонасига ўттиз ёшлар чамасидаги йигит кириб келди. У стол устига қўлидаги аёллар сумкасини қўяр экан:

— Трамвайдан топиб олдим, ичида пул ва ҳужжатлар бор, — деб қисқагина тушинтирди.

Милиция бўлимида ўтирган киши бундай оддий фактларга жуда кўп дуч келади, совет кишиларининг софдиллиги, ҳалоллиги ва тўғрилигининг гувоҳи бўлади.

Лекин Саттор Ҳамидовнинг бу иши ҳақида тўхтаб ўтмасдан бўлмайди. Яқиндагина қамоқдан чиқиб келган бу йигитни юқоридаги қадамни қўйишга нима мажбур этди? У ўғри-ку! Ўғрилик қилиб қўйгани учун тюрьмага ҳам тушган. Қамоқдан келганига 3 ойгина бўлди.

Сумкани олганида ҳеч ким сезмади ҳам. Ҳали бирон ишга жойлашишга улгирмаган йигитга тайёр «ўлжа» топилди. Бу «бахтли» тасодифдан фойдаланиб, қаттагина пулни ҳамёнга уриб кетавериши мумкин эди.

Йўқ! Ҳамидовнинг виждони бунга қабул қилмади.

— Виждонимни яна йўқотайинми? Яна ўша эгри йўлга кираманми? Кишилар, ўртоқларим нима дейди! Бу ҳаёллар уни милиция бўлимига келишга мажбур этди.

Саттор Ҳамидовнинг ўйчан кўзлари, маъноли гаплари ва соф виждонлилиги ўтган хатоларини қайтариш — жамиятга доғ тушириш эканлигини тўлалигича англаб ётганини, ҳаётга қайтганини, коллектив билан ишлаб, тер тўкиб меҳнат қилиш иштиёқи туғилганини, қисқаси тўғри йўлга тушиб олганини кўрсатиб турарди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Болалар муассасалари тармоғи кенгаяди

Ҳозир Тошкентда 230 га яқин боғча ва ясли бўлиб, уларда 26 мингдан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Бу йил болалар муассасалари тармоқлари янада кенгайтирилади. Бунинг учун турли ташкилотлар, муассаса ва идоралар бинолари бўшатиб берилади. Натижада болалар муассасаларида ўринлар сони 700 та кўпаяди.

Бундан ташқари жуда кўп янги боғча ва ясли бинолари қуриш ҳам мўлжалланмоқда. Бунинг учун 3 миллион 146 минг сўм маблағ ажратилди. Шу йил қурилиб фойдаланишга топширилдиган Куйбишев район Краснознаменная кўчасидаги, Октябрь район Шопайзиқулоқ массивидаги, Чақар кўчасидаги ва Чиланзор массивидаги боғча ва яслилар ўз қучоғига мингдан ортиқ кичкинтойни қабул қилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Телевизор экранида

19 ЯНВАРДА

16.30. Тошкент аэропортидан олиб эшиттириш.

19.30. Ҳужжатли фильм — «Икки айиқ боласининг саргузашти».

19.50. Сўнгги ахборот.

20.10. Рус тилида адабий эшиттириш. «К. Симонов студиясида».

20.30. Ҳужжатли фильм — «Америкада 30 кун».

21.30. Ўзбек тилида чорвадорлар учун эшиттириш ва концерт.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Холисхон**, 20/I да **Ҳуррият**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да **Азиз ва Санам**.

Кўприкдаги одамлар — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 8 да).

Иристон ўғли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Кубань казаклари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6-15 минут ва кеч 10 да).

Юқори табақага кириш йўли — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1-35 минут ва кеч 8-40 минутда).

Америка совет балетини олқишлайди — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 12 да).

Сукунат оламида — КИНОЛЕКТОРИЙ кундуз соат 1 ярим, 3 ва 4 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 январдан

Янги программа

Пахта байрамига бағишланган парад-пролог.

АЙИҚНИНГ РАКЕТАДА УЧИШИ

ва РСФСР халқ артисти З. И. Филатов қўл остида

«Айиқлар цирки»

гастролининг давоми.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 136 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 02526. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1512.